

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ

534 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ–986-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 14 декабрдаги ПҚ–2679-сонли ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3051-сонли қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 июнь,
ПҚ–3076-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 20 июндаги
ПҚ-3076-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг
капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион
фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сонли қарорига
киритиладиган ўзгартишлар**

1. Номидаги «Давлат-тижорат» сўзлари «Акциядорлик тижорат» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банкининг (кейинчалик — Халқ банки)» сўзлари билан алмаштирилсин.
3. 1-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг» сўзлари «Халқ банкининг» сўзлари билан алмаштирилсин.
4. 3-банддаги «Давлат-тижорат Халқ банкининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банкининг» сўзлари билан алмаштирилсин.
5. 4-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Кузатув кенгаши (Б.А. Ходжаев) ва Халқ банки Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда:».
6. 2-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат
Халқ банки Кузатув кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|-----------------|--|
| Б.А. Ходжаев | — Ўзбекистон Республикаси молия вазири, Кузатув кенгаши раиси |
| Т.А. Ишметов | — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари, Кузатув кенгаши раисининг ўринбосари |
| лавозими бўйича | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш шўъбаси мудири |
| Д.Д. Асамов | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари |
| Д.Ш. Султанов | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Пенсия жамғармаси ижрочи директори |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

25 (785)-сон

— 103 —

534-535-моддалар

- Б.Б. Мирзаев — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг қимматли қоғозлари бошқармаси бошлиғи
- лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия бозори ва давлат активларидан даромадлар тушуми устидан назорат бошқармаси бошлиғи

Изоҳ: Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади».